
ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА НАВБАТДАГИ ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан биргаликда навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди.

Юзма-юз мулоқот чоғида ҳар бир мурожаат эътибордан четда қолмади. Қабул давомида аҳоли томонидан билдирилган моддий ёрдам, даволаниш, тиббий хизмат, кредит, бандлик, тадбиркорлик, судга оид масалалар бўйича 37 та мурожаат тингланди.

Уларнинг 23 таси жойида ҳал этилиб, ечим топди. Атрофлича ўрганишни тақозо этадиган мурожаатлар бўйича муддат белгиланиб, назоратга олинди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-10-15 18:33:34